QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 26 » mart № 140 Toshkent sh.

2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **190 та** қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги ҳамда натижасига кўра ушбу ҳужжатларнинг **44 тасида** коррупциявий омил аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

2021 йилда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” **1-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси **2-иловага** мувофиқ;

Молия, кредит ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси **3-иловага** мувофиқ;

Тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси **4-иловага** мувофиқ;

Ташқи иқтисодий фаолият ва божхона иши тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

4. Масъул давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари:

ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган “йўл харитаси”да назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари белгиланган муддатларда пухта ишлаб чиқилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши;

ушбу қарорга 2–5-иловаларда белгиланган муддатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши, натижалари бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилиши учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ўз муддатларида, пухта ва сифатли бажарилишини таъминлашда масъул давлат органлари ва ташкилотларига яқиндан кўмаклашсин;

ушбу қарорга 1–5 -иловаларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб борсин ҳамда **ҳар чорак якуни бўйича** мониторинг натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

2022 йил 15 декабрга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан “йўл харитаси”ни ҳамда кейинги йил учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича таъсирчан чоралар кўрсинлар.

7. Масъул давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил экспертлар ва кенг жамоатчиликни фаол жалб қилиш чораларни кўриб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб қилиш учун зарур имкониятларни яратиш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26” мартдаги 140-сон қарорига
1-илова

2021 йилда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
Ўзбекистон Республикасининг қонунлари						
1.	**“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	**1.** Қонун 9-моддаси биринчи қисмида халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини Ўзбекистон Республикаси **қонунчилигида белгиланган доирада** бошқариши; **иккинчи қисмида** халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли вилоят, туман, шаҳар мулкида бўлган объектларни Ўзбекистон Республикаси **қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва доирада вақтинча** ёки доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беришга ҳақли эканлиги белгиланган. **10-модданинг биринчи қисмида** вилоят, туман, шаҳар ҳокими **қонунда назарда тутилган ҳолларда** корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Қонунда халқ депутатлари Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ер муносабатларидаги ҳамда вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини бошқариш билан боғлиқ ваколатларини аниқ белгилаш;	2022 йил 1 май	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш. Абидов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақлилиги, **иккинчи қисмида** халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер муносабатларига доир **бошқа масалаларни ҳал қилиши** белгиланган. Мазкур моддада норматив тусдаги қоидалар белгиланмасдан, фақатгина ҳаволаки нормалар белгиланган. Қонун ҳужжатларидаги концептуал аҳамиятга эга бўлган бўшлиқларнинг қонуности ҳужжатлари ёрдамида тўлдирилиши тор идоравий ёндашув ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса, ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонуннинг 24-моддасида **халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қуйи Кенгашнинг** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келмайдиган **қарорларини бекор қилиш ваколатига эгалиги**; 28-моддасида **халқ депутатлари Кенгаши** ва ҳоким томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган **ҳужжатлар** устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар,	2) Қонуннинг 24, 26 ва 28-моддаларини ўзаро мувофиқлаштириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши, шунингдек прокурор томонидан протест келтирилиши мумкинлиги; 26-моддаси биринчи қисмида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилиниши** белгиланган. Қонуннинг моддаларида турли хил тартиб-таомилларнинг белгиланиши зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади, бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
2.	**“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	**1.** Қонун 12-моддаси биринчи қисми “и” бандига асосан ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимларининг иш стажи **қишлоқ жойда** камида 25 йил бўлган ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисми “и” бандида қўлланилган “қишлоқ жойда” сўзларини аниқлаштириш;	2022 йил 1 июль	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси,	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган. Бунда қишлоқ жойи тушунчаси аниқ тариф белгиланмаган бўлиб, туман маркази ҳамда овуллардаги иш стажи инобатга олиниши мумкин ёки мумкин эмаслигига аниқлик киритилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўлловчи томонидан ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қилиш имконини яратиши мумкин. Бу сўзларнинг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонун 19-моддаси еттинчи қисмида ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган. Бунда ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил ҳақиқатда тарбиялаган ёки боққанлигини аниқлаш тартиб ва механизмлари белгиланмаган. Бу эса амалиётда турли ёндашув шаклланишига олиб келиши мумкин. Бу маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	2) Қонуннинг 19-моддасида ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил ҳақиқатда тарбиялаган ёки боққанлигини аниқлаш тартиб ва механизмлари аниқ кўрсатиб ўтиш;		манфаатдор вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Қонуннинг 28-моддаси биринчи қисми “к” бандида Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга – хизматларига қараб – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг **100 фоизидан 150 фоизигача** пенсияга устама ҳақлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бунда мансабдор шахс томонидан пенсияларга устама ҳақ белгилашда ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилиш, бир нечта турдаги қарорларни қабул қилишни танлаш имкониятини коррупцион омилларни келтириб чиқаради. Бу дискреционон ваколатлар кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **4.** Қонуннинг 30-моддасида пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича ушбу Қонуннинг 28-моддаси “г”, “д” ёки “е” бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг “ж”– “м” бандларида кўрсатилган **устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланиши мумкинлиги** белгиланган.	3) Қонуннинг 28-моддаси биринчи қисми “к” бандида белгиланган устамалар миқдорини аниқ ва қатъий белгилаш; 4) Қонуннинг 30-моддаси учинчи қисмида қўлланилган “мумкин” сўзларини “керак” сўзлари билан ўзгартириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Мазкур моддада пенсияларга устама ҳақлари ҳисобланишида ушбу Қонуннинг 28-моддаси “г”, “д” ёки “е” бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг “ж” – “м” бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу ҳолатда мансабдор шахс ўз ихтиёрига кўра устамани қўшиб ҳисоблаш ёки қўшиб ҳисобламаслик ҳақида қарор қабул қилиш имконинг мавжудлиги коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин. Бу дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **5.** Қонуннинг 41-моддасида имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда, башарти, ҳисобга ўтадиган ишлар **айни шундай ёки анча имтиёзли** шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берган тақдирда, 1, 2 ва 3-сонли рўйхатларда назарда тутилган иш даврлари ўзаро ҳисобга олиниши белгиланган. Бунда айни шундай ёки анча имтиёзли шартларда сўзларини аниқ ҳуқуқий тавсифга эга эмас, шунингдек, мазкур	5) Қонуннинг 41-моддасида қўлланилган “айни шундай ёки анча имтиёзли” сўзларини “белгиланган” сўзлари билан алмаштиришни кўзда тутиш лозим.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		жумла мантиқ ва мақсадига аниқлик киритилмаган. Бу сўзларнинг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
3.	**“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	Қонун 5-моддаси учинчи қисмида йўналишсиз таксилар йўловчиларнинг талаблари асосида **таксометр (ҳисоблагич)** кўрсатиши бўйича ҳақ эвазига ташиш хизматлари кўрсатиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 7 майдаги ПҚ–5108-сон қарорига асосан йўналишсиз таксилар учун автомобил транспортининг олд ойнасининг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғи, **ҳисоблагич (таксометр)** ва радиоалоқа воситаси, шунингдек, назорат-касса машинасини **ўрнатиш талаблари бекор қилинган.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил талабларнинг ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 7 майдаги ПҚ–5108-сон қарорида белгиланган нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш назарда тутилади.	2022 йил 1 июнь	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Абидов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
4.	**“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	**1.** Қонуннинг 5-моддасида давлат солиқ хизмати органлари савдо, товарларни бериш ва пуллик хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек **нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш** ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сонли Фармони билан нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топширадилар. Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига ҳар куни	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) солиқ хизмати органларининг нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш ҳуқуқини бекор қилиш;	2022 йил 1 май	Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		инкассация хизмати орқали ёки мустақил равишда топширадилар. Кўрсатилган ҳажмдан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган ёки онлайн назорат-касса машиналаридан (ёхуд виртуал кассадан) фойдаланишга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилайдиган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларни вужудга келтиради, бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонуннинг 5-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органлари товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини **беш банк** кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.	2) Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш муддатларини ўзаро мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасида асосан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан **ўн кундан** кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил муддатлар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Қонуннинг 5-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органлари қуйидаги ҳуқуққа эга: солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш. **Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари суд тартибида қўлланилади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор**	3) Қонунда белгиланган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		бўлган ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 168-моддасида солиқ органларининг аризасига кўра якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар ундириш тўғрисидаги ишлар суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Судга мурожаат қилингунга қадар солиқ органи солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахсга молиявий санкциянинг тегишли суммасини ўз ихтиёри билан тўлашни ёзма шаклда таклиф қилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 166-моддасига асосан солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) далолатномани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ва материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидагиларни назарда тутувчи қарорни қабул қилади: – солиқлар ва пеняларни қўшиб ҳисоблашни ёки буни рад этишни; – солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		жавобгарликка тортишни ёки буни рад этишни. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил тартиблар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **4.** Қонуннинг 5-моддасида давлат солиқ хизмати органлари тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан **10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда**, жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 340-моддасининг ўн биринчи қисмида фойда солиғи бўйича	4) Қонунда белгиланган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ҳар ойлик бўнак тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши ва кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб кўрсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил тартиблар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **5.** Қонуннинг 5-моддасида давлат солиқ хизмати органлари бозорлар, савдо комплекслари ҳудуд-ларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик	5) Қонунда белгиланган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 137-моддаси учинчи қисмига асосан солиқ текширувларининг 3 та турлари белгиланган: – камерал солиқ текшируви; – сайёр солиқ текшируви; – солиқ аудити. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
5.	**“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон**	Қонун 22-моддасига кўра археология ёдгорликларини тадқиқ этиш (қазиш ва қидириш)га Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тақдимномасига биноан **Маданият вазирлиги берадиган рухсатномалар** мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада археология ёдгорликларини тадқиқ этиш (қазиш ва қидириш) учун рухсатнома бериш тартиб-таомилларини белгилаш назарда тутилади.	2022 йил 1 май	Маданий мерос агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	О.Қудратов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	Республикаси Қонуни	Археология ёдгорликларини тадқиқ этиш (қазиш ва қидириш) учун рухсатнома бериш тартиби мавжуд эмас. Бу эса, **маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги** билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
6.	**“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	**1.** Қонун 4-моддаси иккинчи қисмига кўра фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади, **қонунда назарда тутилган ҳоллар** бундан мустасно. Фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган ҳолатлар аниқ белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўлловчилар ўз манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилиши учун шароит яратади. Бу эса, ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонуннинг 5-моддасига кўра, фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира эрларда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтказиладиган аниқ ҳолатларни белгилаш; 2) Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган қоидаларни ўзаро мувофиқлаштириш;	2022 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Рапиков

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда **Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги** суғориладиган ерларда камида **0,3 гектарни** (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун **0,5 гектарни**), бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда тегишинча, камида **0,45 гектарни** (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун **0,6 гектарни**), суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида **2 гектарни** ташкил этади. Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида **30 гектарни**, ғаллачилик ва сабзавотчилик учун камида **10 гектарни** ташкил этади. Ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами боғдорчилик, узумчилик, сабза-вотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида **1 гектарни** ҳамда кўпи билан **5 гектарни** ташкил этади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ер кодексининг 46[1]-моддасига кўра, бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари фермер хўжаликларига сабзавотчиликка ихтисослашганларга – **камида 3 гектар**, боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга – **камида 3 гектар**, чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларни етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) – суғориладиган ерлардан – **камида 0,3 гектар,** лалмикор ерлардан – **камида 1 гектар,** яйловлар ва пичанзорлардан – **камида 2 гектар,** пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганларга – **камида 30 гектар**, ғаллачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашганларга – **камида 10 гектар** ўлчамда ажратилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидалар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		3. Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисмида фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи **ўрнатилган тартибда** ер участкаси олиши кераклиги белгиланган. Фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер участкасини олиш тартиби белгиланган ҳужжатга аниқ ҳавола келтирилмаган, бу эса, ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	3) фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер участкасини олиш тартиби белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқ ҳаволалар келтириш;			
		4. Қонуннинг 11-моддаси учинчи ва бешинчи қисмларига кўра, захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгаши қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади. Шунингдек, туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида	4) Қонунда белгиланган фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси ажратиш тартибини Ер кодексида белгиланган нормаларга мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармонига мувофиқ, 2021 йил 1 августдан эътиборан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилишга доир ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи бекор қилинган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида туман ҳокимларининг ер ажратиш соҳасидаги ваколатлари чиқариб ташланган. Бунда иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар хил тартиблар белгиланган. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		5. Қонуннинг 25-моддаси иккинчи қисмида фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийлиги белгиланган. Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмида эса, фермер хўжаликлари **ихтиёрийлик асосида бирлашиши**, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга **кириши мумкинлиги белгиланган**. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасига кўра **тадбиркорлик субъектлари** ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга **бирлашиши мумкин**.	5) фермер хўжаликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ихтиёрий аъзо бўлишини белгилаш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Бунда, бошқа қонун ҳужжатларига зид равишда фермер хўжаликларини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига мажбурий аъзо қилиш белгиланган. Бу эса, ортиқча ва асоссиз талаблар ўрнатилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
7.	**“Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	Қонуннинг 22-моддасига асосан, корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига **бошқа реал таҳдид юзага келишининг** олдини олиш муносабати билан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини қабул қилиш белгиланган. “Бошқа реал таҳдидлар” жумласи чегараларини белгилаш имконияти мавжуд эмас бўлиб, бу дискрецион ваколатлар кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини қабул қилиш мезонлари аниқ белгилаш назарда тутилади.	2022 йил 1 август	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Абидов
8.	**“Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	Қонуннинг 13-моддасида давлат ветеринария инспекторлари давлат ветеринария хизмати назорати остидаги **объектларга монеликсиз киради** ва ветеринария тўғрисидаги	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: Қонуннинг 13-моддасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик	2022 йил 1 май	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,	Т.Рапиков

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш бўйича бажарилиши **мажбурий бўлган кўрсатмалар** бериши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати 14-бандида Давлат ветеринария қўмитаси Тадбиркорлик субъектлари томонидан белгиланмаган жойларда амалга оширилаётган, шунингдек келиб чиқишини исботловчи тегишли ҳужжатсиз гўшт ва сут маҳсулотлари савдоси устидан назорат қилишдан 1 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш белгиланган. Ушбу нормалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омилларга олиб келади.	субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармонига ўзаро мувофиқлаштириш.		манфаатдор вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
9.	**“Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	**1.** Қонуннинг 23-моддасида кўп квартирали уйни бошқариш учун бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини танлаш бўйича очиқ танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши белгиланган. Бироқ, кўп квартирали уйни бошқариш учун очиқ танлов ўтказиш тартиб ва механизмлари аниқ белгилаб берилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида коррупцион омиллар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонуннинг 41-моддасида ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор, агар ширкат аъзолари умумий йиғилишида иштирок этган ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг **эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса**, қабул қилинган ҳисобланиши белгиланган.	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Қонунда кўп квартирали уйни бошқариш учун очиқ танлов ўтказиш тартиб ва механизмларини аниқ кўрсатиб ўтиш; 2) Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5152-сон қарори талабларини бир хиллигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш.	2022 йил 1 июль	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Абидов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5152-сон қарорининг 7-банди “к” кичик бандида қуйидаги масалалар бўйича **умумий йиғилишнинг қарори**, агар уни ёқлаб **уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоизидан кўпроғи овоз берса**, қабул қилинган деб ҳисобланиши белгиланган: кўп квартирали уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш; мулкдорлар амал қилиши мажбурий бўлган кўп квартирали уй-жойларда умумий мол-мулкни бошқаришнинг талаб ва қоидаларини тасдиқлаш; кўп квартирали уй-жой учун қарз ва кредитларни жалб қилиш. Ушбу ҳолатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида номувофиқликлар мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ёндашув шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
10.	**“Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**	Қонуннинг 20-моддаси учинчи қисмида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида кўпи билан **йигирма беш нафар** мактабгача бўлган ёшдаги боланинг таълим ва тарбия олишига йўл қўйилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори 10-банди бешинчи хатбошисида 2021 йил 1 июлдан бошлаб оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мавжуд қувватига қараб **50 нафаргача болаларни** тарбиялашга ҳамда тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб, 4 нафаргача тарбиячи ва ёрдамчиларни ёллашга рухсат берилиши назарда тутилган. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддият мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида номувофиқларни келтириб чиқаради.	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори талаблари бир хиллигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш назарда тутилади.	2022 йил 1 август	Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	М.Вахабов
11.	**“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон**	**1.** Қонуннинг 35-моддасига кўра, инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга инвестицияга оид солиқ кредити берилиши мумкин ва ушбу кредит солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) инвестицияга оид солиқ кредити тушунчасига аниқлик киритиш, уни берилиши тартибини ишлаб чиқиш,	2022 йил 1 май	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ф.Раҳимов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	Республикаси Қонуни	шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ кейинчалик **босқичма-босқич** тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 97-моддасида солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, шу солиқ бўйича тегишлича бир йўла ёки босқичма-босқич қарз суммасини тўлаган ҳолда, ушбу солиқни тўлаш муддатини ўзгартиришдан иборатдир. Босқичма-босқич тўлашнинг аниқ чегараси белгилаб берилмаган ҳамда инвестицияга оид солиқ кредити тушунчаси мавжуд эмас. Ушбу нормаларда маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омилларга олиб келади. **2.** Қонуннинг 36-моддасида зарур муҳандислик-коммуникация шароитларини таъминлаш, шунингдек имтиёзлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича	шунингдек, кредитларни босқичма-босқич тўлашнинг мезонларини Қонунда акс эттириш; 2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича **инвестиция преференцияси** тарзида тақдим этиладиган молиявий			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		инвестиция преференцияси тарзида тақдим этиладиган молиявий кўмак сифатида **инвестиция субсидиясини** бериши мумкинлиги назарда тутилган. Инвестиция субсидияси солиқ ва божхона имтиёзлари сифатида ҳам берилиши мумкинлиги қайд этилган. Бунда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилиш, бир нечта турдаги қарорларни қабул қилишни танлаш ва қарорларни ижро этиш усулларини белгилаш имкониятини асоссиз равишда бериш оқибатида коррупциявий ҳолатлар вужудга келишининг хавфи юқори ҳисобланади. Юқоридаги субсидияларни қандай ҳолатларда берилиши тартиби белгиланмасдан қолмоқда. Ушбу нормаларда дискрецион ваколатларнинг кенглиги ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омилларга олиб келади.	кўмак сифатида **инвестиция субсидиясини** қандай ҳолат ва тартибда берилишини аниқ белгилаш.			
12.	**“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон**	**1.** Қонуннинг 24-моддаси олтинчи қисмида тақдим этилган ҳужжатларни **таҳлил қилиш асосида** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат	**Қонун лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади:	2022 йил 1 июль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	Республикаси Қонуни	муносабатлари вазирлиги **ссуда ажратиш** ҳақида ёки уни ажратишни **рад этиш тўғрисида қарор** қабул қилиши белгиланган. Бунда ссуда ажратилишини рад этиш асослари аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Бу маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қонуннинг 29-моддаси иккинчи қисмида иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органига **тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати** (паспорт, меҳнат дафтарчаси нусхаси, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома) келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон Фармони 4-бандига мувофиқ 2021 йил 1 июньдан бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари	1) Қонуннинг 24-моддасида ссуда ажратилишини рад этиш асосларини аниқ белгилаш; 2) Қонуннинг 29-моддасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон Фармони талаблари билан мувофиқлаштириш;		манфаатдор вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, меҳнат дафтарчалари нусхалари ҳамда иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалар талаб қилиш тартиби бекор қилинган. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Қонуннинг 49-моддаси олтинчи қисмида маҳаллий меҳнат органи ташкилотларнинг бошқа ташкилотларда ишдан бўшатилган, ишга қабул қилинган шахсларнинг ўқишини ташкил этишга доир харажатларини **тўлиқ ёки қисман компенсация қилиши мумкин**лиги белгиланган. Бунда бошқа ташкилотлардан ишдан бўшатилган шахсларни ишга қабул қилган ташкилотларнинг шахсларни ўқишини ташкил этишга доир харажатларини компенсация қилинишини тартиби ва механизмлари аниқ белгилаб берилмаган, шу билан бирга мансабдор шахс ўз ихтиёрига кўра компенсация қилиш ёки	3) Қонуннинг 49-моддасида бошқа ташкилотлардан ишдан бўшатилган шахсларни ишга қабул қилган ташкилотларнинг шахсларни ўқишини ташкил этишга доир харажатларини компенсация қилиниши тартиб ва механизмлари аниқ кўрсатиб ўтиш, компенсация қилиниши мумкин бўлган ҳолатларни ҳамда компенсация берилиши рад этилиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқ кўрсатиб ўтиш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		қилинмаслиги ҳақида қарор қабул қилиш имконининг мавжудлиги коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин. Бу дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **4.** Қонуннинг 61-моддаси биринчи қисмида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, **айрим ҳолларда** эса Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилиши белгиланган. Бунда айнан қандай ҳолатларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилиши ва қайси асосларга кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишлари тўғрисида меҳнат шартномаси ўн бир ойгача бўлган муддатда тузилиши мумкинлиги аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ёндашувлар шаклланишига олиб келиши мумкин. Бу маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	4) Қонуннинг 61-моддаси биринчи қисмида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун меҳнат шартномаси муддатини ўн бир ойгача бўлган муддатга тузилиши мумкин бўлган асосларни ҳамда қандай ҳолатларда мазкур масалада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилиши тартибини аниқ белгилаш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **5.** Қонуннинг 73-моддасида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан, **қоида тариқасида, йигирма олти календар ҳафтагача** бўлган муддатга стипендия тўланиши белгиланган. Бунда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга стипендиялар тўланиши мансабдор шахс томонидан ўз ихтиёрига кўра ҳал қилиниши имконининг мавжудлиги ҳамда вақт чегараларининг аниқ эмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин. Бу дискрецион ваколатлар кенглиги ҳамда вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	5) Қонуннинг 73-моддасида ишсиз шахсларга касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиялар айнан қандай ҳолларда тўланиши ҳамда тўланиши мумкин бўлмаган ҳолатларни, шунингдек вақт чегарасини аниқ белгилаш.			
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари						
13.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси**	**1.** Фармоннинг 2-бандида 2002 йил 1 августидан бошлаб истеъмол товарларини олиб келиш чоғида юридик шахслар томонидан божхона	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Фармоннинг 1-бандини ва иловасини чиқариб ташлаш;	2022 йил 1 май	Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида” 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармони	тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бекор қилиниши назарда тутилган. Фармоннинг иловасига асосан импорт қилинганда амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар сақланиб қоладиган истеъмол товарлари рўйхати тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддаси: учинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш 2021 йил 1 майдан 31 декабрга қадар бўлган даврда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган; тўққизинчи қисмида 2021 йилнинг 10 октябридан 31 декабрига қадар бўлган даврда гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат			вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 7 октябрдаги 627-сон қарори билан 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 1 майга қадар божхона божидан озод қилинадиган айрим товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари) рўйхати тасдиқланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил талаблар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Фармоннинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси **Давлат божхона қўмитасига** божхона қонунчилигини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товарлар олиб келиниши фактлари аниқланган тақдирда **ҳуқуқбузарлик буюмларини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат даромадига мусодара этиш ҳуқуқи берилган.**	2) Фармоннинг 3-4-бандларида белгиланган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқлаштириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		4-бандида 2002 йилнинг 10 ноябридан бошлаб божхона қонунчилигини бузган ҳолда кўп ва жуда кўп миқдордаги товарлар олиб ўтилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган товарлар ҳамда шундай мақсадларда фойдаланилган транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш учун **божхона органлари томонидан мусодара қилиниши белгиланган.** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини **мусодара қилиш** мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, **ушбу чора жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши белгиланган**. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил талаблар ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
14.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон Фармони**	**1.** Фармоннинг 2-банди учинчи хатбошисига кўра вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга **қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин**. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 97-моддасида солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш **уни тўлашни кечиктириш** ёки **бўлиб-бўлиб тўлаш** шаклида амалга оширилиши белгиланган. Қонунчилик ҳужжатларида "**ҳақли**", "**мумкин**", "**ҳуқуқига эга**" каби сўзларнинг ишлатилиши давлат органлари, бошқа идоралар ва уларнинг мансабдор шахслари учун фуқаролар ва юридик шахслар билан бўладиган ўзаро муносабатларда ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракатларни амалга оширишга имкон яратади. Бу эса, дискрецион ваколатлар кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Фармоннинг 2-банди тўртинчи хатбошисига асосан 2018 йил 1 январдан ўтказилган **камерал назорат** натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилишини қатъий белгилаш; 2) Фармон 2-банди тўртинчи хатбошисини чиқариб ташлаш;	2022 йил 1 май	Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, **солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилган**. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2019 йил 30 декабрда янги таҳририга асосан "**камерал назорат**" **солиқ назорати бекор қилиниб камерал солиқ текшируви жорий этилган.** Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан камерал солиқ текширувини амалга ошириш билан боғлиқ **янги тартиб-таомиллар белгиланган.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Фармоннинг 2-банди бешинчи хатбошисига асосан 2018 йил 1 январдан **ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш** солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб **15 иш**	3) Фармон 2-банди бешинчи хатбошисини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		куни ичида амалга оширилиши белгилаган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 104-моддаси иккинчи қисмига кўра ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ қарзини қоплаш ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан солиқнинг ортиқча тўланганлиги факти аниқлаган кундан эътиборан ёки агар солиқ органи ва солиқ тўловчи томонидан у тўлаган солиқларни биргаликда ўзаро солиштириш ўтказилган бўлса, бундай биргаликдаги солиштириш далолатномаси солиқ органи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланган кундан эътиборан ёхуд суднинг тегишли қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан **ўн кун ичида** қабул қилинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **4.** Фармоннинг 2-банди олтинчи хатбошисига асосан 2018 йил 1 январдан давлат солиқ хизмати	4) Фармон 2-банди олтинчи хатбошисини Ўзбекистон			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		органларига кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг **ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача** бўлган муддатга вақтинчалик **тўхтатиб туриш ваколати берилган**. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан **ўн кундан кўп бўлмаган муддатга** қабул қилиниши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш.			
15.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва**	**1.** Фармоннинг 3-бандида 2018 йил ҳосилидан бошлаб **томорқа ер эгаларининг** экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Фармоннинг 3-бандини чиқариб ташлаш;	2022 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор	Т.Рапиков

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони	органларида муҳокама қилиб борилиши ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган томорқа ер эгаларига нисбатан **ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача** бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармонига кўра 2021 йил 1 августдан бошлаб мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилиниши, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолиши белгиланган. "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида			вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикасининг фуқаросининг якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзига берилган ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган ер участкалари хусусийлаштирилиши мумкинлиги, хусусий-лаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб қўйишга ер участкасига ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилганда, ер участкаси давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олинганда, ер участкаси мусодара қилинганда ва ер участкаси реквизиция қилинганда йўл қўйилиши белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Фармоннинг 6-банди иккинчи хатбошисига кўра **2022 йилнинг 1 январидан** бошлаб **кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган** фермер	2) Фармон 6-банди иккинчи хатбошисини чиқариб ташлаш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		хўжаликлари билан **ер ижараси шартномалари** қонун ҳужжатларига мувофиқ **бекор қилинади**. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра **фермер хўжалиги** ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш** ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа **фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир**. **Кўп тармоқли фермер хўжалиги** қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа **фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир.** "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фермер хўжаликлари **кўп тармоқли** ва **кўп тармоқли бўлмаган** фермер хўжаликлари **шаклида ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган**. Бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид равишда **2022 йилнинг 1 январидан**				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		бошлаб **кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган** фермер хўжаликлари билан **ер ижараси шартномалари** бекор қилиниши белгиланган. Бу эса, ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
16.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури тўғрисида" 2018 йил 27 июндаги ПФ–5466-сон Фармони**	**1.** Фармоннинг 2-банди "а" кичик бандида **Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи ҳузурида "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси маблағларидан** "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастуридаги тадбирларни **молиялаштириш** белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон Фармони 6-бандига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури тўғрисида" 2018 йил 27 июндаги ПФ–5466-сон Фармони доирасидаги ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирларни "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш,	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Фармон 2-банди "а" кичик бандини чиқариб ташлаш ҳамда Фармоннинг "Ёшлар – кела-жагимиз" жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларни назарда тутувчи бандларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон Фармони билан мувофиқлаштириш;	2022 йил 1 май	Ёшлар ишлари агентлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	С.Ашуров

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар бериш тартиби бекор қилинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Фармоннинг 3-банди “д” кичик бандида “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ва “Ёшлар меҳнат гузари” комплексларини қуришга йўнал-тириладиган **маблағлар** хусусий инвесторларнинг **солиқ солинадиган базасидан чегириб ташланиши** белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасига кўра солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилиши, айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган	2) Фармоннинг 3-банди “д” кичик бандини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида қайта кўриб чиқиш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, ушбу модданинг олтинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин **кўпи билан 50 фоизга камайтириш** тарзида ва **кўпи билан уч йил муддатга** берилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
17.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат**	Фармон 17-бандига кўра, Давлат активларини бошқариш агентлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда “E-ijro auksion” ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, субъектив ёндашувларни тўлиқ истисно қилиш	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада Фармон 17-бандида назарда тутилган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда	2022 йил 1 май	Давлат активларини бошқариш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармони	ва харидорларга қулайлик яратиш бўйича **давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган буюртманома фақат бир нафар талабгор томонидан берилган бўлса**, ушбу **ягона иштирокчи билан олди-сотди шартномасини тузишни** назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПҚ–5197-сон қарорига асосан **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** “E-auksion” электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционларга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда **камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилиши белгиланган.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли	иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПҚ–5197-сон қарорига мувофиқлаштириш назарда тутилади.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари						
18.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 10 февралдаги ПҚ–3-сон қарори**	Қарор 4-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар **ҳокимликлари** зиммасига **ХУЖМШ уюшмалари** билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги вазифа ҳамда ваколатлар юклатилган: уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида сақлаш масалаларида ХУЖМШ фаолияти самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш; кўп квартирали уй-жой фондида ўтказиладиган таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш; ХУЖМШ томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқланган ҳолларда уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш; ХУЖМШ раислари ва ижрочи директорларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар, шунингдек уларни уй-	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қарорнинг 4-банди иккичи–бешинчи хатбошиларини чиқариб ташлаш назарда тутилади.	2022 йил 1 май	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Абидов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		жой мулкдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этмаган, қонунчиликни бузган тақдирда лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритиш. Бироқ, “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мазкур вазифалар **кўп квартирали уй кенгаши** томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ёндашув шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.				
19.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарори**	Қарор билан тасдиқланган Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 12-бандида ходимларга юқори касбий малакаси учун ҳар ойлик шахсий устама ҳақ, ишдаги муваффақиятлари ва муҳим топшириқларни бажаргани учун айрим ходимларни мукофотлаш, юбилей саналари муносабати билан бир маротабалик пул мукофотлари бериш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган байрам кунлари муносабати билан мукофотлар тўлаш, мансаб маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қарор билан тасдиқланган Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини раг-батлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 12-бандида белгиланган “бошқа мақсадларга” сўзларини “жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа мақсадларга” сўзлари билан, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири”	2022 йил 1 август	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов, С.Бобоқулов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		(овқат ва **бошқа мақсадларга**), моддий ёрдам кўрсатиш **Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири** томонидан тасдиқланадиган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда ушбу Низом 10-бандида кўрсатилган жамғарма маблағларини тасарруф этувчиларнинг буйруқлари асосида, тегишли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда қўлланилган бошқа мақсадлар тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин қилинишига, ўз навбатида коррупцион омилларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ноаниқ ҳаволалар келтирилганлиги ҳамда сўзларнинг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	сўзларини “Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири” сўзлари билан ўзгартириш назарда тутилади.			
20.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг: 1-бандига кўра республика ва маҳаллий нашрларда давлат активларини **“нулинчи” харид қиймати бўйича сотишга** оид ошкора	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларида	2022 йил 1 май	Давлат активларини бошқариш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сон қарори	савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этилган санадан бошлаб то улар ўтказиладиган санагача бўлган муддат икки ойдан 30 кунгача қисқартирилади; 2-бандига кўра савдоларда давлат мулки объектларини **"нулинчи" харид қиймати бўйича сотишнинг** асосий шартларидан бири, инвестиция мажбуриятлари билан бир қаторда, янги иш ўринларини яратиш ва уларни инвестиция мажбуриятларини бажаришга киришилган пайтдан бошлаб йил давомида сақлаб қолишдан иборатдир; 4-бандига кўра давлат кўчмас мулк объектлари дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизигача пасайтирилгандан сўнг бир ой мобайнида ошкора савдоларда сотилмай қолган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифлари асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан **"нулинчи" харид қиймати бўйича сотилиши мумкин** ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялаб қўйилади ёхуд бузиб ташланиб, бўшаган ер участкалари захира ерлар тоифасига ўтказилади.	белгиланган нормаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига асосан давлат активларини “нол” харид қийматида сотиш ва инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида “1 сўм” бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш амалиёти бекор қилинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги** билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг 7-бандида кўра ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб	2) Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларида белгиланган нормаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотиш амалга оширилади ва бу қадам қуйидагилар бўйича **ҳар 15 кунда** дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қилади: кўчмас мулк объектлари бўйича – дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача; акциялар (улушлар) бўйича – дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, шу жумладан номинал қийматидан паст миқдорда, Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорига асосан нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизми келгусида қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига асосан давлат кўчмас мулки объектлари ва улушларини сотиш бўйича такрорий аукцион савдоларини **ҳар 10 календар** кунда бир маротаба даврийликда амалга ошириш белгиланган.	иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига мувофиқлаштириш зарур.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг 7-бандига кўра давлат активларини сотишга уларни қисмларга ажратган ҳолда ва ортиқча ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кейинчалик бу ерларда кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳамда **қонунчиликка мувофиқ назарда тутилган бошқа мақсадлар учун топшириш орқали** йўл қўйилади. Давлат активларини сотишга ортиқча ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кейинчалик ушбу ер участкаларида кичик саноат зоналари ташкил этиш ва **яна қандай мақсадлар ёки айнан қайси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар учун** топшириш орқали йўл қўйилиши аниқ белгиланмаган. Бунда ҳуқуқни	3) Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг 7-бандида қонунчилик ҳужжатларига аниқ ҳаволалар келтириш ёки давлат ҳокимияти органларига топширилган ер участкаларидан кейинчалик айнан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини белгилаш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		қўлловчи ўз манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилиши учун имконият яратади, бу дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
21.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 январдаги ПҚ–2724-сон қарори**	Қарорнинг 2-бандига асосан йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, “онлайн” (ГПС) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва “ишонч телефонлари” орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш Транспорт вазирлигининг қўшимча вазифаси этиб белгиланган. Қарорда йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, “онлайн” (ГПС) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва “ишонч телефонлари” орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш тадбирларини амалга оширишнинг **молиялаштириш манбалари кўрсатилмаган**. Бу эса, **чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш**	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, “онлайн” (ГПС) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва “ишонч телефонлари” орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш тадбирларини амалга оширишнинг молиялаштириш манбаларини белгилаш назарда тутилади.	2022 йил 1 май	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Абидов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		манбалари ноаниқлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
22.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори**	Қарорнинг 2-банди учинчи хатбошисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиши кўрсатилган бўлиб, тўртинчи хатбошисида эса профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида **баҳо берилади** ҳамда эгаллаб турган лавозимига **лойиқ ёки нолойиқлиги** ҳақида тавсиялар қабул қилинади деб белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5839-сон Фармони 20-банди иккинчи хатбошисида профилактика инспекторлари 5 йил муддатга	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**. Лойиҳада профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тартиби ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлигини аниқлаш мезонлари ҳамда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра эгаллаб турган лавозимига нолойиқлик ҳақида тавсия қабул қилинишининг ҳуқуқий оқибатлари аниқ белгиланиши назарда тутилади.	2022 йил 1 июль	Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Х.Бердибаев

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		лавозимга тайинланади ҳамда уларни мазкур муддат давомида **бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланиши** (юқори турувчи раҳбарлик лавозимга ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қоидалари бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно) кўрсатилган. Бунда, профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тартиби ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлигини аниқлаш мезонлари белгиланмаган бўлиб, бу дискреционон ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. Шунингдек, профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра эгаллаб турган лавозимига нолойиқлик ҳақида тавсия қабул қилинганда ва ушбу профилактика инспектори лавозимида 5 йил хизмат қилмаган бўлса, ПҚ–2896-сон қарордаги ҳуқуқий норма ПФ–5893-сон фармондаги ҳуқуқий норма билан ўзаро мувофиқ келмаслиги ва ушбу масала тартибга солинмаганлиги маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
23.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарори**	**1.** Қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисига асосан 2018 йил 1 июлдан барча **фермер ва деҳқон хўжаликларининг** Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига **аъзолиги мажбурий**, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг **"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни** 25-моддаси биринчи қисмида эса, фермер хўжаликлари **ихтиёрийлик асосида бирлашиши**, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга **кириши мумкинлиги белгиланган**. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига асосан **тадбиркорлик субъектлари** ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Фермер ва деҳқон хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзо бўлиши ихтиёрийлик асосида амалга оширилишини белгилаш;	2022 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Рапиков

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга **бирлашиши мумкин**. Бунда, бошқа қонун ҳужжатларига зид равишда фермер хўжаликларини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига мажбурий аъзо қилиш белгиланган. Бу эса, ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарорнинг 3-банди учинчи хатбошисида 2018 йил 1 июлдан фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашда аъзолиги туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсати қарорига мувофиқ тугатилиши ер участкасига эгалик қилиш, ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд уни ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши учун асос ҳисобланиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги	2) Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг туман ҳокимларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ер қонунчилигига мувофиқ тугатиш зарурлиги тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ПФ–6243-сон Фармонига асосан 2021 йил 1 августдан бошлаб мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилиниши, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунида Ўзбекистон Республикасининг фуқаросининг якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзига берилган ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган ер участкалари хусусийлаштирилиши мумкинлиги, хусусийлаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб қўйишга ер участкасига ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилганда, ер участкаси давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олинганда, ер участкаси мусодара қилинганда ва ер				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		участкаси реквизиция қилинганда йўл қўйилиши белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил қоидаларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Қарорнинг 9-банди “а” кичик банди учинчи хатбошисида аукцион савдоларида фуқароларга **ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишдан тушадиган тушумнинг 10 фоизи** Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланиши белгиланган. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби белгиланган **Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом**	3) қарорнинг 9-банди “а” кичик банди учинчи хатбошисини чиқариб ташлаш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2021 йил 8 июндаги” ПФ–6243-сонли Фармонига асосан **2021 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган.** Ҳозирги вақтда ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби мавжуд эмас ва бу ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
24.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил**	**1.** Қарорнинг 13-бандига кўра, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари: эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар; қайта ташкил этиладиган ташкилотларнинг топшириладиган	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) 13-бандда белгиланган афзалликлар бекор қилиниши;	2022 йил 1 июль	Энергетика вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	А.Жуманазаров

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	27 мартдаги ПҚ–4249-сон қарори	автотранспорт воситаларини қайтадан рўйхатга олишда автотранспорт йиғимлари тўлашдан **озод қилиниши белгиланган**. Бунда ҳуқуқий муносабатларнинг бир гуруҳ субъектларига нисбатан бошқаларни тенг бўлмаган, камситувчи аҳволга солувчи афзалликлар белгиланган бўлиб, бу афзалликлар асоссиз белгиланиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарорнинг 14-бандида қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган саноат корхоналарини қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар **республика ҳудудларида жойлаштириш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда фақат Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Бунда, қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган саноат корхоналарини қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар республика ҳудудларида жойлаштириш тартиби мавжуд эмас бўлиб, бу маъмурий тартиб-	2) қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган саноат корхоналарини қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар **республика ҳудудларида жойлаштириш** бекор қилиниши ва фақатгина электрон онлайн-аукцион орқали ер ажратилганда жойлаштириш белгиланиши;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
25.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 10 июлдаги ПҚ–4389-сон қарори**	**1.** Қарорнинг 1-бандида тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан **ўн кун** муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси бешинчи қисмида **биринчи марта** жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) қарорнинг 1-бандини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида белгиланган қоидага мувофиқлаштириш;	2022 йил 1 май	Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан **ўттиз кун** ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган. Бунда иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил талабларнинг ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади, бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарорнинг 2-бандида 2020 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охирги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олиниши белгиланган. **Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 266-моддасига кўра** солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ	2) қарорнинг 2-бандини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқлаштириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		тўловчи сифатида ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. ҳисобга олинадиган солиқ суммаси товар-моддий захираларнинг қолдиқлари бўйича – шахс рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган санадан олдинги сўнгги ўн икки ой ичида олинган, солиқ тўловчида уни рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйиш (озод этишни бекор қилиш) санасида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиғига тўғри келадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий қиймати бўйича аниқланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил тартибларнинг белгиланиши ҳуқуқни қўллашда зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		бўлади ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
26.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Низом 19-бандига кўра, ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат муддатига қуйидагилар кўшиб ҳисобланмайди (ушбу Низом 20-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно): … в) хизмат бўйича чеклаш кўринишидаги жазо муддатини ўташ даври, **қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;** … Қайси ҳолатларда хизмат бўйича чеклаш кўринишидаги жазо муддатини ўташ даври ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат муддатига кўшиб ҳисобланиши мумкинлиги аниқлаштирилмаганлиги ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 44-бандига кўра, муддатли ҳарбий хизматчилар орасидан контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган номзодга ўрганиш ва саралаш ўтказилишининг исталган	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) қайси ҳолатларда хизмат бўйича чеклаш кўринишидаги жазо муддатини ўташ даври ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат муддатига кўшиб ҳисобланиши мумкинлиги аниқлаштирилиши лозим. 2) **2-4-омилларда**. Низомда "вазирликнинг махсус талаблари" тушунчаси ва унга кирувчи талаблар доираси аниқлаштирилиши лозим.	2022 йил 1 июль	Мудофаа вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Х.Бердибаев

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		босқичида контракт бўйича ҳарбий хизматга киришга қуйидаги ҳолатларда рад жавоби берилиши мумкин: … г) вазирликнинг **махсус талаблар**ига жавоб бермаса. … **3.** Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 39-банд “з” кичик бандига кўра номзодга ўрганиш ва саралаш ўтказилишининг исталган босқичида контракт бўйича ҳарбий хизматга киришга қуйидаги ҳолатларда рад жавоби берилиши мумкин. … з) вазирликларнинг **махсус талаблар**ига жавоб бермаса. **4.** Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 58-банд “в” кичик бандига кўра номзод қуйидаги ҳолларда контракт бўйича ҳарбий хизматга кирувчилар учун белгиланган талабларга жавоб бермайди деб ҳисобланади: … в) агарда у вазирликнинг **махсус талаб**ларига нолойиқ бўлса. … Юқорида келтирилган нормаларда “вазирликнинг махсус талаблари” тушунчаси аниқлаштирилмаганлиги				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
27.	**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 17 январдаги ПҚ–4567-сон қарори**	Қарор 2-банди иккинчи хатбошисига кўра, бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган **импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш** ва рўйхатга олиш талаби пиллачилик ва тутчилик ташкилотлари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига **татбиқ этилмайди**. Бунда импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талабининг пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига татбиқ этилмаслиги мазкур шартномаларни тузишда қонун бузилишлари ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлиб, бу белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**. Лойиҳада импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талабининг пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига татбиқ этилмаслиги талабининг бекор қилиниши назарда тутилади.	2022 йил 1 май	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Рапиков

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари						
28.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 31-бандига кўра, якка тартибдаги лицензияларда қўшимча равишда қуйидаги мажбурий талаблар ва шартлар бўлиши керак: … Лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг лицензияланаётган турининг хусусиятига қараб **бошқа маълумот, талаб ва шартлар**ни ўз ичига олади. Якка тартибдаги лицензияларга қўйиладиган талаблар ва шартлар доираси қатъий белгиланмаганлиги ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарор билан тасдиқланган Низом 49-бандига кўра, лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади: … лицензиат лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба **қўпол равишда бузганда**; … Қандай ҳаракатлар "қўпол равишда бузиш" сифатида эътироф этилиши аниқлаштирилмаганлиги сўзларнинг	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) лицензияларга қўйиладиган талаблар ва шартлар доирасини қатъий белгилаш; 2) қандай ҳаракатлар "қўпол равишда бузиш" сифатида эътироф этилишини аниқлаштириш;	2022 йил 1 июнь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Ражаббаев

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
29.	**Вазирлар Маҳкамасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарори**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг: 25-бандига кўра жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг объектларни Давлат кадастрига киритиш тўғрисидаги таклифлари Маданий мерос департаментининг ҳудудий бошқармаларга тақдим этилади. **Ҳудудий бошқармалар объектни олдиндан ўрганади, зарур кадастр ҳужжатлари тузади;** 26-бандига кўра ҳудудий бошқармалар томонидан тайёрланган материаллар **Маданий мерос департаментига юборилади;** 27-бандига кўра Департамент объектларни Давлат кадастрига киритиш бўйича тақдим этилган материалларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш (хулосани тасдиқлаш) учун Департамент **Илмий-эксперт кенгашининг кўриб чиқиши учун киритади;** 28-бандига кўра Департамент тарихий-маданий экспертиза хулосаси	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) маданий мерос объектини Давлат кадастридан чиқариш учун асослар ва мезонларни аниқ белгилаш ҳамда маданий мерос объектини Давлат кадастридан чиқариш ҳақида ваколатли органнинг расмий саҳифасида маълум қилиш тартибини белгилаш;	2022 йил 1 июнь	Маданий мерос агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	О.Кудратов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		асосида **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига маданий мероснинг аниқланган объектини Давлат кадастрига киритиш тўғрисида таклиф киритади;** 29-бандига кўра маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш Департамент томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади; 34-бандига кўра ҳудудий бошқармалар давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг маданий мерос объектини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги таклифларни ўрганадилар ва уларни ўз таклифлари билан биргаликда Департаментга тақдим этадилар. 35-бандига кўра маданий мерос объектини **Давлат кадастридан чиқариш** тўғрисидаги қарор мазкур **Низомнинг 27-30-бандларида назарда тутилган тартибда қабул қилинади**. Мазкур тартиб-таомилларни (давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг объектларни Давлат кадастрига киритиш тўғрисидаги таклифлари асосида				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		объектни олдиндан ўрганиш, зарур кадастр ҳужжатларини тузиш, тайёрланган материаллар Маданий мерос департаментига юбориш ва Илмий-эксперт кенгашининг кўриб чиқиши учун киритиш, экспертиза хулосаси асосида Маданият вазирлигига маданий мероснинг аниқланган объектини Давлат кадастрига киритиш тўғрисида таклиф киритиш, маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш бўйича тегишли буйруқ расмийлаштирилиши ҳамда маданий мерос объектини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги таклифларни ўрганиш ва уларни Департаментга тақдим этиш билан боғлиқ ҳаракатларни) амалга оширишнинг вақт чегаралари аниқ белгиланмаган. Бу эса, вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. Маданий мерос объектини Давлат кадастридан чиқариш учун асослар ва мезонлар, Давлат кадастридан чиқариш билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга оширишда шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашга оид нормалар ўз аксини топмаган.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Бу эса, маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги ҳамда шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисидаги низомнинг 19-бандига кўра Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун **махсус йиғим тўланади.** Махсус йиғимдан тушган маблағлар Департаментнинг Маданий мерос жамғармаси ҳисоб рақамида жамланади ва улардан **қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.** Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун **махсус йиғим миқдори** ва **уни тўлаш тартиби** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги томонидан белгиланади. Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун ундирилган маблағлардан	2) маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун ундирилган маблағлардан фойдаланиш мақсадларини, махсус йиғим миқдори ва уни тўлаш тартибини белгилаш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		фойдаланиш мақсадлари белгиланмаган. Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун **махсус йиғим миқдори** ва **уни тўлаш тартиби белгиланмаган.** Бу эса, маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
30.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низомнинг 12-бандига кўра, психик касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжудлигини текшириш **яшаш жойидаги** поликлиниканинг психиатр врачи томонидан амалга оширилади. **2.** Қарор билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низомнинг 23-бандига кўра, текширилаётган шахсларда сил касаллиги ва флюорограммаларда патологик ўзгаришлар борлиги шубҳа қилинганда, уларга **яшаш жойидаги** сил касаллигига қарши диспансерига йўлланма берилиши керак. Юқоридаги ўринларда никоҳланувчиларни текшириш доимий	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада никоҳланувчи шахслар ўз ихтиёрига кўра доимий ёки вақтинчалик яшаб турган жойидаги тиббиёт муассасаларида текширувдан ўтиш ҳуқуқига эгалиги назарда тутиш белгиланади.	2022 йил 1 июнь	Хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	С.Ашуров

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ёки вақтинчалик яшаш жойида амалга оширилиши аниқлаштирилмаганлиги сўзларнинг нотўғри қўлланилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
31.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори**	**1.** Қарорнинг 2-бандига асосан чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганга **қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари** (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаси тузилади** ва шартнома кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги **Қонунининг 40-моддасига кўра** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати чет эллик инвесторга инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларини	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) қарорнинг 2-бандидаги "инвестиция шартномаси тузилади" сўзларни "мажбурий тартибда инвестиция шартномаси тузилади" сўзлари билан алмаштириш;	2022 йил 1 июнь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ф.Рахимов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		(имтиёзлар ва преференцияларни) тақдим этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан **инвестиция шартномаси мажбурий тартибда тузилади.** Шунингдек, ушбу нормалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омилларга олиб келади. **2.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандида инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарори лойиҳаси Вазирлик томонидан тайёрланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилади. Бироқ, Инвестиция шартномасини тасдиқлаш бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун аниқ муддат белгиланмаган. Бу эса ўз ўрнида инвестиция шартномаларини тасдиқлашини чўзилишига олиб	2) Низомнинг 13-бандига инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддатини аниқ белгилаш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		келмоқда ва инсон омилига боғланиб қолмоқда (*фишкадаги муддат ҳар доим ҳар хил).* Шунингдек, ушбу нормалар вақт чегаралари аниқ белгиланмаганлиги билан боғлиқ коррупциявий омилларга олиб келади.				
32.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори**	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низом 11-бандида сертификатлаштириш органида рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик хабарномаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг **йўл ҳужжати учун асос бўлиши мумкин**лиги белгиланган. Ушбу ҳолатда тегишли мансабдор шахс мувофиқлик хабарномасини ўз ихтиёрига кўра йўл ҳужжати учун асос сифатида қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги имконининг мавжудлиги коррупцион омилларни келтириб чиқаришиши мумкин. Бу дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 11-бандида қўлланилган "бўлиши мумкин" сўзларини "бўлади" сўзлари билан ўзгартириш.	2022 йил 1 май	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Абдусаламов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
33.	**Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори**	**1.** Қарор 57-бандида иш стажи тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида пенсия жамғармаси бўлими: иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва **зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди** ҳамда **зарурат бўлганда** улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қилиши; **зарур ҳолларда** меҳнат фаолияти айрим даврларини **иш стажи даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида** қарор чиқариши белгиланган. Бунда иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг **зарур тарзда** расмийлаштирилганлигини баҳолаш тартиби аниқ белгиланмаган бўлиб, мансабдор шахс томонидан ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қилиши имкони мавжудлиги, шунингдек, ўз ихтиёрига кўра меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажи даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкинлиги коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратиши мумкин.	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) қарорнинг 57-бандида иш стажи тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатлар асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлашнинг аниқ тартиб-таомилини, шунингдек, айнан қандай ҳолатларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажи даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташланиши тартибини аниқ кўрсатиб ўтиш;	2022 йил 1 май	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Бу маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги ҳамда дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарор 112-банди “и” кичик бандида Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматларга эга бўлган шахсларга – хизматларга қараб пенсияни ҳисоблашнинг **базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача** пенсияга устама ҳақлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бунда мансабдор шахс томонидан пенсияларга устама ҳақ белгилашда ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилиш, бир нечта турдаги қарорларни қабул қилишни танлаш имкониятини коррупцион омилларни келтириб чиқаради. Бу дискрецион ваколатлар кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **3.** Қарорнинг 113-бандида устамалар тайинланадиган пенсиялар туридан қатъи назар, тайинланиши. Агар пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган ушбу Низомнинг 112-бандида назарда тутилган бир неча устама ҳақни бир вақтда олиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда **устама ҳақлар қуйидаги**	2) қарор 112-банди “и” кичик бандида белгиланган устамалар миқдорини аниқ қатъий белгилаш; 3) қарорнинг 113-бандида қўлланилган “мумкин” сўзларини “керак” сўзлари билан ўзгартириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ҳолларда бир вақтнинг ўзида тайинланиши мумкинлиги белгиланган: а) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахсга ушбу Низомнинг 112-банди “а” ёки “б” бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир вақтда ушбу Низомнинг 112-банди “з” – “л” кичик бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланиши **мумкин**; б) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг танлови бўйича ушбу Низомнинг 112-банди “в”, “г” ёки “д” бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир вақтда ушбу Низомнинг 112-банди “э” – “л” кичик бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири қўшиб ҳисобланиши **мумкин**. Ушбу ҳолатда мансабдор шахс ўз ихтиёрига кўра устамани қўшиб ҳисоблаш ёки қўшиб ҳисобламаслик ҳақида қарор қабул қилиш имконинг мавжудлиги коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин. Бу дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
34.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Архив ишини такомиллаштириш тўғрисида" 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори**	**1.** Қарор 2-бандида вазирликлар ва идоралар, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган ўз архив фондларининг ҳажми ва таркиби ҳақидаги маълумотларни **белгиланган муддатларда ва шаклларда** тегишли архивларга мунтазам равишда тақдим этилишини таъминлашлари белгиланган. Бунда "белгиланган муддатларда ва шаклларда" сўзларида айнан қайси муддатларда ҳамда шаклда амалга оширилиши назарда тутилганлигига аниқлик киритилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллашда амалиётида турли ёндашув шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг Давлат каталоги тўғрисидаги низом 16-бандида архив фондларини Давлат каталогидан	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) қарорнинг 2-бандида қўлланилган "белгиланган муддатларда ва шаклларда" сўзларига аниқлик киритилиши; 2) қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг Давлат каталоги тўғрисидаги Низом 16-бандида архив	2022 йил 1 май	"Ўзархив" агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ш.Ражаббаев, Д.Хамдамов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		чиқариш "Ўзархив" агентлиги томонидан **тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ** амалга оширилади, улар архив иши ҳудудий бошқармасининг эксперт-текширув комиссияси, Ўзбекистон миллий архивининг эксперт-текширув услубий комиссияси ва "Ўзархив" агентлигининг Марказий эксперт-текширув комиссияси томонидан тасдиқланган бўлиши кераклиги белгиланган. Бунда архив фондларини Давлат каталогидан чиқариш топшириш тартиб ва механизмлари белгиланмаган ҳамда аниқ ҳавола кўрсатилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллашда амалиётида турли ёндашув шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	фондларини Давлат каталогидан чиқариш топшириш тартиб ва механизмлари аниқ белгилаш.			
35.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил**	Қарорнинг 2-бандига асосан дастурга мувофиқ ипотека кредити бериш шартларида уй-жой олишга эҳтиёжманд ёш оилаларни танлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган 2-	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада танлаш бўйича комиссия тузилиши ва фаолият юритиши тартиби, уй-жой сотиб олишга эҳтиёжманд ёш оилаларни танлаб олиши ёки танлаб олишни рад этиш асосларини белгиланиш лозим.	2022 йил 1 август	Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, манфаатдор	С.Ашуров

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	30 апрелдаги 124-сон қарори	иловага мувофиқ намунавий таркибдаги ипотека кредити бериш шартларида уй-жой сотиб олишга эҳтиёжманд ёш оилаларни **танлаш бўйича комиссия** томонидан амалга оширилади. Қарорда танлов комиссиясининг тузилиши, фаолият кўрсатиши, уй-жой сотиб олишга эҳтиёжманд ёш оилаларни танлаб олиши ёки танлаб олишни рад этиш асослари, тартиби белгиланмаганлиги маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.			вазирлик ва идоралар	
36.	**Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижарага бериладиган моддий маданий мерос объектлари рўйхатларини шакллантириш тартиби белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижарага	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб-таомилларни Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий	2022 йил 1 июнь	Маданий мерос агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	О.Кудратов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	6 мартдаги 53-сон қарори	бериладиган моддий маданий мерос объектларининг рўйхатларини шакллантиришнинг янги тартиби белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил талабларнинг ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **2.** Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандига кўра моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудуд инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда ижарага бериш бўйича танловга қўйилгандан кейин бир ой мобайнида қизиқиш бўлмаган ва танлов бўлиб ўтмаганлиги эътироф этилган тақдирда ижарага берувчи уни ишчи орган томонидан белгиланган шартларда ва **ушбу Низомда назарда тутилган тартибда**	маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқлаштириш; 2) моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудудни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага бериш тартибини ҳамда Моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудуд тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага берилиши тўғрисида марказий даврий нашрларда, шунингдек ишчи орган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага берилиши тўғрисида **матбуотда эълон беради.** Моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудудни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага бериш тартиби белгиланмаган. Моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудуд тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага берилиши тўғрисида эълон бериладиган матбуот (оммавий ахборот воситаси)нинг даражасига талаб қўйилмаган. Бу эса ҳуқуқни қўлловчига чекка ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг газетасида ёки ўқувчилари сони кам бўлган бошқа оммавий ахборот воситасида эълон жойлаштириш имкониятини яратади ва дискрецион ваколатларнинг кенглиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	сайтларида эълон қилинишини белгилаш;			
		3. Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29^1-бандига	3) танлов комиссияси томонидан ижара шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш асослари, мезонлари ҳамда тартиб-таомиллари белгилаш ҳамда Низомнинг 29^1 ва			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		кўра ижарачилар беш йиллик ижара ҳақига тенг бўлган маблағни ҳудудида ўзлари жойлашган моддий маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилишга йўналтириш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини сақлаш нормаларига риоя қилиш шартларида дастлабки **беш йилда** ижарага ҳақ тўлашдан **озод қилинадилар. Ижара шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш танлов комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.** Танлов комиссияси томонидан ижара шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш асослари, мезонлари ҳамда тартиб-таомиллари белгиланмаган. Низомнинг 32-бандида ижарага олувчилар шартнома тузилган кундан бошлаб **беш йил муддатга** ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган **қийматининг 80 фоизи миқдорида ижара тўловини тўлашдан озод этилиши белгиланган**. Бу эса, маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан	32-бандларини ўзаро мувофиқлаштириш			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **4.** Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг: 41-бандига кўра ишчи орган шартнома мажбуриятлари бажарилишини ва объектнинг ҳолатини **жойнинг ўзида ўрганиш**; бажариладиган ишларнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини **текшириш йўли** билан ижарага олувчи томонидан ижара шартномасига мувофиқ ўз зиммасига олинган мажбуриятлар зарур тарзда **бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиш** ҳуқуқига эга; 43-бандига кўра инвестиция мажбуриятлари бажарилишини **назорат қилиш ва унинг мониторингини олиб бориш** Молия вазирлиги **Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.** Ишчи орган томонидан назорат функцияси қандай тартибда ва қанча	4) Ишчи орган ва Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан назорат функцияларини амалга ошириш тартиб-таомиллари ва муддатларини аниқ белгилаш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		муддатларда амалга оширилиши белгиланмаган. Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ва унинг мониторингини олиб бориш тартиб-таомиллари белгиланмаган. Бу эса, дискрецион ваколатларнинг кенглиги ва маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **5.** Қарор билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга илова Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда ижарага бериш схемасига асосан рўйхатлар, шу жумладан объектлардан фойдаланиш мақсади ва шартлари **10 иш куни** мобайнида ишчи орган (Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти) томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан	5) моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган муддатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқлаштириш;			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		тасдиқланадиган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланади ёки тегишли асослар кўрсатилган ҳолда тасдиқлаш рад этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига кўра ҳудудий бошқарма **7 иш куни** мобайнида фойдаланишга бериш таклиф этилаётган давлат мулки ҳисобланган объектни жойига чиқиб ўрганади ва объектдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ёки фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса тайёрлайди. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади. **6.** Қарор билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга илова Моддий маданий мерос	6) моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		объектларини ва уларга туташ ҳудудларни инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда ижарага бериш схемасига асосан ишчи орган (Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти) рўйхат тасдиқлангандан кейин уни **2 иш куни ичида** объектларни ижарага бериш шартлари билан бирга **ижарага берувчига (Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги давлат мулкини ижарага бериш марказлари)** юборади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига кўра ҳудудий бошқарма (Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг ҳудудий бошқармаси) **бир иш куни мобайнида**: ижобий хулосани ёки салбий хулосани – балансда сақловчига; ижобий хулосани ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда – **ваколатли органга** (Маданият вазирлиги	белгиланган тартиб ва муддатларни ҳамда таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ тартиб-таомилларни Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқлаштириш.			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ҳузуридаги Маданий мерос департаментига) юборади. 11-бандига кўра ваколатли орган **5 иш куни** мобайнида ҳудудий бошқарма томонидан берилган хулосанинг асосли эканлигини текширади, зарур ҳолларда қўшимча материал ва ахборотларни сўраб олади. Ваколатли орган ҳудудий бошқарма томонидан берилган ижобий хулосанинг асосли эканлигини текшириш натижалари билан биргаликда кўриб чиқиш учун **Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгашига киритади.** Бунда, тасдиқланган хулосани юбориш, фойдаланиш мақсадлари ва шартларини тасдиқлаш бўйича иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжатда 2 хил муддат ва тартиблар белгиланган ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.				
37.	**Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) масъулияти чекланган жамиятлар устав капиталидаги	2022 йил 1 июнь	Давлат активларини бошқариш агентлиги, манфаатдор	Д.Холмуродов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори	86-бандига кўра инвестициявий ва (ёки) ижтимоий мажбуриятларсиз сотилган давлат улушлари бўйича **сотиб олиш тўловлари тўлиқ ҳажмда тушган** кундан бошлаб ўн иш куни ичида сотувчи жамият устав фондидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи сертификатни беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармони 12-бандига кўра, давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикка асосан **қисман тўловни амалга оширган** харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда **жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” эгалик сертификати берилади.** **2.** Масъулияти чекланган жамиятлар устав капиталидаги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 95-бандига кўра агар аукционга (танловга) қўйилган давлат улушини бошланғич савдога қўйиш нархининг 50 фоизгача пасайтирилганидан кейин бир ой мобайнида сотилмаган	давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига мувофиқлаштириш; 2) масъулияти чекланган жамиятлар устав капиталидаги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сон қарорига мувофиқлаштириш;		вазирлик ва идоралар	

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		тақдирда, сотувчи Давлат тендер комиссиясига келгусида қадамба-қадам пасайтириш механизми қўллаш таклифини киритади. Бунда давлат улушини бошланғич савдога қўйиш нархидаги умумий пасайтириш уларнинг **номинал қийматидан кам бўлмаган миқдорида** бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сон қарори 3-бандига мувофиқ ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотиш амалга оширилади ва бу қадам қуйидагилар бўйича ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қилади. Акциялар (улушлар) бўйича – дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, шу жумладан **номинал қийматидан паст миқдорда,** Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорига асосан нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизми келгусида қўлланилиши мумкин.				

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		3. Қарор билан Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “нол” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармони билан давлат активларини **“нол” харид қийматида** сотиш амалиёти бекор қилинган. **4.** Давлат мулки объектларини танлов савдоларида ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам миқдорини ва турларини белгилаш, шунингдек давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 36-бандига кўра харидор томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда сотувчи сотиб олиш тўловларини киритишнинг ҳар бир ўтказиб юборилган куни учун **шартномага мувофиқ пеня ҳисоблаб ёзади.**	3) давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “нол” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонига мувофиқлаштириш; 4) давлат мулки объектларини танлов савдоларида ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам миқдорини ва турларини белгилаш, шунингдек давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси			

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддасида етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммаси **0,4 фоизи миқдорида**, аммо кечиктирилган **тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня** тўлаши белгиланган. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил тартиб ўрнатилиши ҳуқуқни қўлловчиларга ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул қилишига ва зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади, бу эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ коррупциявий омил ҳисобланади.	тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш.			
38.	**Вазирлар Маҳкамасининг "Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш**	**1.** Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандига кўра товарнинг монопол юқори нархи, агар ушбу нарх: бундай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса;	**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.** Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: 1) Вазирлар Маҳкамасининг "Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш	2022 йил 1 май	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Д.Холмуродов, С.Ниязимбетов

QMMB: 09/22/140/0245-son
26.03.2022-y.

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Коррупцияга шароит яратувчи омиллар	Коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
					Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
